

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.29/30.12.2019. I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**МАМАДЖАНОВ АБРОРАЛИ АШИРАЛИЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИДА ТУРИЗМ  
ЁРДАМЧИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.06 – “Эконометрика ва статистика”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
in Economic Sciences**

<b>Мамаджанов Аброрали Аширалиевич</b> Ўзбекистон миллий ҳисоблар тизимида туризм ёрдамчи ҳисобини такомиллаштириш.....	3
<b>Мамаджанов Аброрали Аширалиевич</b> Совершенствование вспомогательного счета туризма в системе национальных счетов Узбекистана.....	31
<b>Mamadjanov Abrorali Ashiraliyevich</b> Improvement of the tourism satellite account in the system of national accounts of Uzbekistan.....	59
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список о опубликованных работ List of published works.....	63

**КАДРЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДЖАНОВ АБРОРАЛИ АШИРАЛИЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИДА ТУРИЗМ  
ЁРДАМЧИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.06 – “Эконометрика ва статистика”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4. PhD/Iqt 1490 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.instat.uz](http://www.instat.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ғойибназаров Баҳодир Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзаев Имомназар Қаландарович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Асрақулов Абдурахмон Султонович**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти қошидаги иқтисодиёт фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.29/30.12.2019.I.92.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86; e-mail: info@instat.uz.

Диссертация билан Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**С.С.Гулямов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., академик

**К.Х.Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Ё.Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ривожланган мамлакатларда туризм юқори даромад келтирувчи ва тез суръатларда ривожланаётган муҳим соҳалардан бири бўлиб, унинг ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадлар яратиш, мамлакат тўлов баланси мутаносиблигини таъминлаш, ҳудудлар иқтисодий ривожланиши ўртасидаги тафовутларни камайтириш орқали иқтисодиётнинг ривожланишига қўшаётган ҳиссаси бекиёсдир. 2020 йил 1 январь ҳолатига Жаҳонда туризм тармоқларининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши 10,4 % ни, тўғридан-тўғри туризмнинг ЯИМдаги улуши эса 3,3 % ни ташкил этган<sup>1</sup>. Шунингдек, туризм соҳасида 334 миллион киши иш билан банд бўлган бўлиб, бу кўрсаткич дунёдаги ҳар 10 нафар иш билан банд аҳолининг бир нафари туризмга тўғри келишини билдиради<sup>2</sup>. Юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жаҳонда ушбу соҳага оид статистик таҳлилларни янада такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш устувор илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ижтимоий йўналтирилган бўлиб, бозор механизмининг самарали фаолият юритиши, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Туризм соҳасининг ривожланиш жараёнларини статистик усулларда баҳолаш, унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш муҳим масала ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам "... Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш"<sup>3</sup> каби муҳим устувор вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар Ўзбекистон миллий ҳисоблар тизимида туризм ёрдамчи ҳисобини халқаро тавсияларга мувофиқ такомиллаштириш, туризм соҳасини баҳоловчи статистик кўрсаткичлар тизимини ва ҳудудлар туризм салоҳиятини баҳоловчи интеграл кўрсаткичларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Ушбу вазифалар мамлакатимизда жаҳон андозаларига мувофиқ миллий статистика услубиётини ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китобларини такомиллаштириш, мамлакат ва унинг ҳудудларида туризмнинг ривожланиш ҳолатини статистик усулларда баҳолаш, статистик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни талаб этади. Туризм ёрдамчи ҳисоби миллий ҳисоблар тизимининг муҳим ҳисобларидан бири бўлиб, у мамлакат ҳудудларида иқтисодиётнинг стратегик соҳаси ҳисобланган туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, мамлакатнинг туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва

<sup>1</sup> <https://www.statista.com/statistics>.

<sup>2</sup> <https://wtcc.org/Research/Economic-Impact>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4749-сонли Фармони, 1-илова. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

самарали фойдаланишда томонларни зарурий маълумотлар манбалари билан таъминлаш имконини беради.

Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” ПФ–5635-сон Фармони, 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–4796-сонли қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 691-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Миллий ҳисоблар тизимида туризм ёрдамчи ҳисобини такомиллаштириш муаммоси хорижлик олимлардан Агустин К., Двайер Л., Форсайт П., Сперр Р., Ван Х. Т., Брандванг Э. К., Конттинен Ю.<sup>4</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларида Попков В.П., Коль О.Д., Анохина Е.М., Марков Д.Н., Заклязьминская Е.О., Морозов М.А., Морозова Н.С., Карпова Г.А., Хорева Л.В., Воронкова Л.П., Александрова А.Ю., Трифонова З.А., Трифонова М.М.<sup>5</sup> ва бошқалар бу йўналиш бўйича илмий изланишларни амалга оширганлар.

---

<sup>4</sup> Agustín Canada «Regional Tourism Satellite Account» UNWTO, Madrid 2013., Papers/34-41., Dwyer, Larry; Forsyth, Peter; Spurr, Ray; and Van Ho, Thiep, "Developing An Integrated Suite Of Regional Tourism Satellite Accounts (Tsas): A Case Study From Australia" (2016). Travel and Tourism Research Association: Advancing Tourism Research Globally. Papers/48., Ann Kristin Brændvang “Regional Satellite Accounts for Tourism Data, Concepts, Methods and Applications”, Paper for the 41st European Congress of the E-RSA Zagreb, Aug-Sept 2001 (<http://www-sre.wu.ac.at/ersa/ersaconfs/ersa01/papers/full/195>)., Juha-Pekka Konttinen “Regional Tourism Satellite Account Finland - Data, Concepts, Methods and Key Results”, 46th Congress of the European Regional Science Association August 30th - September 3rd, 2006, Volos (<https://core.ac.uk/download/pdf/7051473.pdf>).

<sup>5</sup> Попков В.П., Коль О.Д., Анохина Е.М. Мониторинг туристского бизнеса в крупном городе: теория и практика СПб.: Астерион, 2009. – С 14-16, Марков Д.Н. Экономическая оценка туристской деятельности на региональном уровне (на пример Хабаровский края), Владивосток, 2013. – С 25-30, Заклязьминская Е.О. Экономика туризма Китайской Народной Республики, Москва, 2018. – С 113-115., Морозов М.А., Морозова Н.С., Карпова Г.А., Хорева Л.В. Морозов М.А., Морозова Н.С., Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика туризма, Москва, 2014. – С 19., Воронкова Л.П. История туризма и гостеприимства: учебное пособие /Л.П.Воронкова. М.: ФАИР-ПРЕСС, 2004. – С12., Александрова А.Ю. Статистика туризма: учебник / Москва 2014, С-20,21,31,32., Трифонова З.А., Трифонова М.М., “Оценка туристского потенциала территории Чувашской Республики”, Чувашский государственный университет имени И.Н.Ульянова, Россия, 19.01.2009г., УДК 338.48., - С 40.

Ўзбекистонда миллий ҳисоблар тизими, туризм ва туризм статистикаси бўйича иқтисодчи олимлардан Абдуллаев Ё., Соатов Н.М., Қорабоев А., Шадиёв Х.А., Набиҳўжаев А.А., Абдувоҳидов А., Ғойибназаров Б.К., Абдусаломова Н.М., Алиева М.Т., Ташмуратов Т., Саидов А., Умарқулов Э., Абдуллаев А.М., Абдурахманов О.Х., Зокирова Н.К.<sup>6</sup> ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Аммо мазкур тадқиқотларда миллий ҳисоблар тизимида туризм ёрдамчи ҳисобини ишлаб чиқиш, ахборотлар базасини такомиллаштириш масалаларининг етарлича ёритилмаганлиги алоҳида тадқиқот ўтказишни тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг “Ялпи ички маҳсулотни харажатлар усулида ҳисоблаш методологиясини такомиллаштириш (2018-2020 йиллар)” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси миллий ҳисоблар тизимида туризм ёрдамчи ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

туризм соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини ўрганиш;

миллий иқтисодиётда туризм соҳасининг тутган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

ҳалқаро тавсиялар ва хорижий давлатлар тажрибаларига мувофиқ миллий туризм соҳасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

миллий ҳисоблар тизими асосида туризм соҳасининг ёрдамчи ҳисобини ишлаб чиқиш тамойилларини халқаро тавсияларга мувофиқ ўрганиб чиқиш;

миллий статистика амалиётида туризмни интеграл кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

ҳалқаро тавсиялар асосида мамлакат ҳудудига ташриф буюрувчиларнинг туристик харажатларини танлаб олиш механизмининг такомиллаштириш юзасидан кузатув шаклларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳалқаро тавсияларга мувофиқ Ўзбекистонда туризм ёрдамчи ҳисоби

---

<sup>6</sup> Ғойибназаров Б.К. Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишнинг илмий-методологик асослари (статистик аспект), Тошкент, 2006. – 100-102 б., Абдуллаев Ё. Статистика назарияси. Дарслик. Т.: “Ўқитувчи”, 2002. – 520 б., Соатов Н.М. Статистика Дарслик. Т.: Абу Али Ибн Сино. 2003. – 652 б., Қорабоев А., Рашитова Н., Ғойибназаров Б. Миллий ҳисоблар тизими: дарслик. Б.-.:Т.: “Iqtisod-moliya”, 2015. – 371 б., Набиҳўжаев А.А. Макроиктисодий кўрсаткичлар (ҳалқаро таққослаш муаммолари). // Иқтисод ва ҳисобот, 1995, №3, 7-б., Абдувоҳидов А., Туризм иқтисоди. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ. 2007. – 175 б., Абдусаломова Н.М. Халқаро туризмда маркетинг жараёнининг ривожланиши (“Ўзбектуризм” МК мисолида). Канд. дисс. –Т.: ТДИУ, 2001. – 150 б., Алиева М.Т. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари. Докторлик диссертацияси –Т.: 2019. – 250 б., Ташмуратов Т., Саидов А., Умарқулов Э. Туризм иқтисоди. – Т.: ТМИ, 2000. – 125 б., Абдуллаев А.М., Абдурахманов О.Х., Зокирова Н.К. Прогнозирование и моделирование национальной экономики. –Т.: Fan va texnologiya, 2007. – 575 с.

жадвалларини ишлаб чиқиш тартибини батафсиллаштириш ҳамда динамик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** бўлиб республикамизда туризм соҳасида фаолият юритаётган компания ва фирмалар ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** миллий ҳисоблар тизимида хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида Ўзбекистон Республикаси туризм ёрдамчи ҳисобини ишлаб чиқишдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий абстракциялаш, статистик кузатиш, маълумотларни жамлаш ва гуруҳлаш, қиёслаш, умумлаштириш, омиллий статистик таҳлил, корреляцион-регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш, иқтисодий индекслар, динамика қаторлари каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, туризм салоҳиятини белгиловчи омиллар ва кўрсаткичлардан самарали фойдаланган ҳолда, ҳудудларнинг туризм салоҳиятини тўлақонли баҳолаш бўйича интеграл кўрсаткичлар тизими ( $I = \sum_{i,j=1}^n F_{ij} * w_i + \sum_{i,j=1}^n R_{ij} * w_i + \sum_{i,j=1}^n G_{ij} * w_i$ ) таклиф этилган;

мамлакат ҳудудига ташриф буюрувчиларнинг туристик харажатларини танлаб олиш услубини кенгайтириш мақсадида “Уй хўжалиklarининг ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви” саволномасига “Дам олиш вақтида ўз маблағлари ҳисобига яшаш билан боғлиқ хизматлар учун харажатлар”ни киритиш ҳисобига жорий статистика кузатувлари такомиллаштирилган;

ҳудудий туризм ёрдамчи ҳисобини шакллантиришда туризм истеъмолини, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳудудий тақсимлаш мақсадида “Ҳудудлараро туризм истеъмоли матрицаси ( $ITS = X_{11} + \sum_{m=2}^n X_{m1} + Z_1$ )” ишлаб чиқилган;

туризмнинг физик ҳажм индексини ҳисоблаш услубиёти туризм ёрдамчи ҳисобининг агрегат кўрсаткичларини экстраполяция қилиш ( $Осотр = \sum_{i=1}^n Осур_{t-1,i} \cdot I_{q,i}$ ) ҳамда дефляция қилиш ёрдамида ( $Осотр = \sum_{i=1}^n \frac{Осур_{t,i}}{I_{p,i}}$ ) доимий нархларда баҳолаш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

миллий ҳисоблар тизимида туризм ёрдамчи ҳисобини шакллантириш бўйича халқаро тавсиялар ва хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида миллий статистика услубиёти такомиллаштирилган, шунингдек, Ўзбекистонда туризм ёрдамчи ҳисобини шакллантириш бўйича услубий низом ишлаб чиқилган;

миллий статистика амалиётида туризм ёрдамчи ҳисоби маълумотлар манбаини халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқлаштиришни таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

туризм ёрдамчи ҳисобини шакллантириш бўйича миллий статистика



амалиёти ҳамда халқаро стандартлар ўртасидаги асосий фарқланишлар ёритиб берилган, унингдек, туризм статистикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

сифатли статистик маълумотларни шакллантириш мақсадида “Уй хўжалиklarининг ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви”, “Ўзбекистон Республикасига киришга оид туризм бўйича кузатув саволномаси” ҳамда давлат статистика ҳисоботи шаклларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

туризм ёрдамчи ҳисоби кўрсаткичларидан самарали фойдаланган ҳолда, ҳудудларнинг туризм салоҳиятини баҳолаш бўйича интеграл кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган ҳамда уни миллий статистика амалиётига жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризм ва спорт вазирлиги маълумотларидан олинганлиги ҳамда тадқиқот ишида берилган тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ундан мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида туризм кўрсаткичларини статистик таҳлил қилишга оид назарий ва услубий ёндашувларни ҳамда мавзуга оид махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, туризм ёрдамчи ҳисобини такомиллаштириш бўйича берилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида туризм соҳасига оид услубий низомларни ишлаб чиқишда ҳамда ҳудудий статистика органлари туризм статистикасини услубиётини баҳолашда қўллаш мумкин.

Илмий тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республикамиз ҳамда унинг ҳудудларида туризм соҳасини янада ривожлантириш бўйича мақсадли ва манзилли дастурларни ишлаб чиқишда, чора-тадбирларни белгилашда, шунингдек, иқтисодий таълим йўналиши талабаларига “Миллий ҳисоблар тизими”, “Статистика”, “Туризм иқтисодиёти” ва “Макроиқтисодиёт” каби фанларни ўқитишда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Миллий ҳисоблар тизимида туризм ёрдамчи ҳисоби статистика маълумотлар базасини ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг статистик усулларини такомиллаштириш юзасидан берилган амалий таклифлар ва тавсиялар халқаро статистик қиёслашларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти янги услубий низом ишлаб чиқилгани ва уни миллий статистика амалиётида қўлланилганлиги билан ҳам боғлиқ, ишлаб чиқилган услубий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятида кенг фойдаланиш имконини беради, шунингдек,

маълумотларнинг қиёсийлигини ва сифатини оширади ҳамда уларнинг фойдаланувчилар талабларига мослигини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон миллий ҳисоблар тизимида туризм ёрдамчи ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

миллий статистика амалиётида мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, туризм ёрдамчи ҳисоби кўрсаткичларидан самарали фойдаланган ҳолда, ҳудудларнинг туризм салоҳиятини баҳолаш бўйича интеграл кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4796-сонли Қарори билан тасдиқланган “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 5.2-бандига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2021 йил 29 июндаги 01/1-03-21-45-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мамлакатимизда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини баҳолаш имконияти ошган;

мамлакат ҳудудига ташриф буюрувчиларнинг туристик харажатларини танлаб олиш механизмини такомиллаштириш юзасидан “Уй хўжалиқларининг ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви” ҳамда “Ўзбекистон Республикасига киришга оид туризм бўйича кузатув саволномаси”га ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш, шунингдек, Ўзбекистон туризм ёрдамчи ҳисобининг 4-жадвалини туризм истеъмолининг бошқа компонентларини қўшган ҳолда комплекс баҳолаш бўйича берилган илмий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 57-банди ижросини таъминлашда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 691-сонли Қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг 2021 йил 29 июндаги 01/1-03-21-45-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида туризмни баҳоловчи кўрсаткичларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги таъминланган ҳамда халқаро даражада қиёсийлиги ошган;

ҳудудий туризм ёрдамчи ҳисобини шакллантиришда туризм истеъмолини мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳудудий тақсимлаш мақсадида “Ҳудудлараро туризм истеъмоли матрицаси”ни ишлаб чиқиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика

тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–4796-сонли Қарори билан тасдиқланган “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 5.2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 29 июндаги 01/1-03-21-45-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мамлакатимиз ҳудудларида туризмнинг ривожланиш ҳолатини комплекс баҳолаш имконияти ошган ҳамда ҳудудлар кесимида кузатувлар ўтказиш билан боғлиқ харажатлар 15 % га камайган;

“Туризм учун ҳисобланадиган умумий мувозанат модели (Computable General Equilibrium Modelling for Tourism – CGEMT)”ни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган маълумотлар базасини шакллантириш нуқтаи назаридан такомиллаштириш ҳамда туризм бўйича физик ҳажм индексини ҳисоблашни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–4796-сонли Қарори билан тасдиқланган “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 5.19-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 29 июндаги 01/1-03-21-45-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида туризм бўйича физик ҳажм индексини ҳисоблаш услубиёти такомиллашган ҳамда мамлакатда туризмнинг реал ўсиш суръатларини ва унинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш имкониятлари ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 11 та, жумладан, 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий журналларда: хорижий журналларда 2 та, маҳаллий журналларда 7 та илмий мақола ва турли анжуманлардаги материаллари тўпламларида 11 та маърузалар тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 156 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни

ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикасида туризм фаолиятини статистик ўрганишнинг назарий ва услубий асослари”** деб номланувчи **биринчи бобида** туризм фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари, туризм секторининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда туризм соҳасини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар тизимининг таҳлили ёритилган.

Халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон туризм ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Европа статистика қўмитаси ҳамда дунёнинг бир қатор давлатлари вакиллари томонидан туризм соҳасини статистик баҳолаш бўйича олиб борилган изланишлар натижасида “Туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар - 2008”<sup>7</sup> ҳамда “Туризм ёрдамчи ҳисоби: тавсия этилган услубий асослар - 2008”<sup>8</sup> қўлланмалар ишлаб чиқилган. Мазкур қўлланмаларда туризм билан боғлиқ тушунчалар, таърифлар, меъёрлар, андозалар, маълумотлар манбалари ва уларни ҳисоблаш усуллари бўйича тавсиялар ёритилган бўлиб, ушбу тавсиялар туризм статистикасини ишлаб чиқишнинг назарий асоси ҳисобланади.

Шунга қарамасдан туризм соҳасини статистик баҳолаш бўйича ечимини кутаётган муаммолар мавжуд бўлиб, мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда туризм статистикасини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Шу нуқтаи назардан юқорида келтирилган қўлланмалар ва бошқа манбаларни ўрганиш натижасида ҳосил бўлган мамлакатда туризмни баҳолаш билан боғлиқ айрим назарий тушунчалар, таърифлар ва тавсияларни келтириб ўтилган. Масалан, “Одатдаги муҳит” туризм соҳасидаги асосий тушунчалардан бири бўлиб, бу тушунчани ўрганишдан асосий мақсад саёҳат ва одатдаги муҳит ўртасидаги чегарани аниқлашдан иборат. “Дам олиш уйларига ташриф” тушунчасига турли давлатларда турлича қаралади. Илмий ишда “Дам олиш уйларига ташриф”ни туризм сафари сифатида ҳисобга олишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳоли томонидан амалга оширилган туристик сафарлар, улар билан боғлиқ бўлган харажатларни ўрганиш мақсадида уй хўжаликларида ўтказиладиган “Ички туризм ва аҳолининг жисмоний фаоллиги кузатуви сўровномаси”га уй хўжаликларининг ушбу уйда дам олиш билан боғлиқ истеъмол харажатларини ҳисобга олишни назарда тутувчи саволларни қўшиш тавсия этилди.


Шунингдек, тадқиқот ишида “Натура шаклидаги туристик ижтимоий трансфертлар”ни туризмга харажатлар сифатида ҳисобга олиш ҳамда бунда

<sup>7</sup> International Recommendations for Tourism Statistics 2008 Compilation Guide, United Nations, New York, 2016.

<sup>8</sup> Tourism Satellite Account: Recommended Methodological Framework 2008, Luxembourg, Madrid, New York, Paris, 2010.

давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ташриф буюрувчиларга кўрсатиладиган нобозор хизматлар (музейлар, сахна кўринишлари, қисқа муддатли ўқишлар, қисқа муддатли тиббий хизматлар ва бошқалар) учун харажатларни ушбу ташкилотларнинг харажатлар усули бўйича ҳисобланган ишлаб чиқариш ҳажми ва мазкур ташкилотлар томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ўртасидаги фарқ орқали ҳисоблаш тавсия этилган. Шу билан бирга, тадқиқотда “Бошқа шартли ҳисобланган истеъмол”ни шартли ҳисобланган туризм истеъмоли компоненти сифатида иш берувчилар томонидан ўз ходимларининг сафар харажатлари учун амалга оширган тўловларини ҳисобга олиш ва уни статистик ҳисоблаш услубиёти бўйича тавсиялар берилган.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда туризм аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларни ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Туризм инсоний ресурсларнинг таркибий қисми сифатида қуйидаги функцияларни амалга ошириш орқали иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожланишига туртки бўлади (1-расм):



**1-расм. Туризм соҳасининг асосий функциялари<sup>9</sup>.**


Туризмнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш функцияси туризм соҳасида маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва шу орқали ЯИМни яратишда иштирок этиш орқали намоён бўлади. Жаҳонда туризм тармоқларида 9,2 трлн. долл. ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) яратилган бўлиб, ЯИМнинг қарийб 10,5 %ини ташкил этади (2020 йилда эса 4,7 трлн. долл. қўшилган қиймат яратилган ва ЯИМнинг 5,6 % ини ташкил этган)<sup>10</sup>. Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда 2019 йилда тўғридан-тўғри туризмда 13,6 трлн. сўм миқдорида ЯҚҚ яратилган бўлиб, унинг ЯИМдаги улуши 2,6 % (2020 йилда эса ушбу кўрсаткич 0,4 %)ни ташкил этди<sup>11</sup>.

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>10</sup> <https://www.statista.com/statistics>.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти.

Тадқиқот ишида туризм тармоқларида реал нисбий ўсиш (камайиш) суръатлари ҳисобланиб, унинг ЯИМ ўсишига таъсири баҳоланди. Таҳлилларимизга кўра, 2014-2017 йилларда ва 2019 йилда туризм тармоқларида реал ўсиш суръатлари ЯИМга нисбатан юқори бўлган. 2020 йилда эса 2019 йил билан таққослаганда пандемия натижасида ЯИМ ўсиш суръатларининг секинлашиши (1,7 %) кузатилган бўлса, туризм тармоқларида доимий баҳоларда ҳажмларнинг камайиши (-8,5 %) кузатилди.



**2-расм. Мамлакат ЯИМ ва туризм тармоқларининг ўсиш (камайиш) суръатлари (%)<sup>12</sup>.**

Ушбу ҳолат ҳаво йўловчи транспорти (33,0 %), тuroператорлар, турагентлар ва бошқа туризм соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти (50,1 %), темир йўл йўловчи транспорти (54,8 %) ва яшаш бўйича хизматлар (65,8 %) тармоқларига кучлироқ таъсир кўрсатди.


Шунингдек, тадқиқот ишида туризмга киритилган инвестициялар ( $I_t$ ), туризмда бандлик ( $B_t$ ), ташриф буюрувчилар сони ( $N_t$ ) каби туризмнинг асосий кўрсаткичларини ЯИМ ( $GDP$ )га таъсири статистик усуллар ёрдамида баҳоланди. Таҳлилларга кўра, барча танланган омиллар натижавий омил билан ўртача зичликда тўғри боғланган. Аммо,  $r > 0.8$  шартга биноан омиллар ўртасида мультиколлениарлик мавжуд бўлиб, ушбу жараёни зиддият инфляция омили – Vif мезони билан текширилди. Унга кўра,  $R^2 = 0.98$ ,  $VIF = \frac{1}{1-R^2} = 50 > 10$  натижага эришилди. Танланган омилларни турли ўлчов бирлигида бўлгани учун, дастлаб уларни “e” асосга кўра, логорифмлаб олиб, куйидаги формулага келтирилди:

$$\ln GDP = 1,53 \ln I_t + 0,88 \ln B_t - 0,37053859 \ln N_t - 0,152 \quad (1)$$

Регрессия тенгламаси коэффициентлари ва унинг сифат текширувлари натижаси Eviews дастурида амалга оширилди.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш функцияси орқали туризм иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Туризм бевосита туризм тармоқларида аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга, улар билан ҳамкорликда фаолият юритувчи аралаш тармоқларда ҳам аҳоли бандлигини оширишга хизмат қилади. Тадқиқот ишида Ўзбекистонда туризм тармоқларида иш билан бандларнинг улуши ҳамда ЯИМда туризмнинг улуши кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиниб, илмий хулосалар чиқарилган (3-расм).



**3-расм. Туризмнинг ЯИМдаги ҳамда бандликдаги улуши динамикаси (%)<sup>13</sup>.**

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, 2014-2018 йилларда ЯИМда туризмнинг улуши 2,0-2,4 % оралиғида бўлган ва 2019 йилда энг юқори кўрсаткич 2,6 % қайд этилган. Туризм тармоқларида бандликнинг улуши эса ушбу йилларда 4,0-4,9 % оралиғида бўлган. 2020 йилда “COVID” пандемияси таъсири натижасида олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада камайиш кузатилган бўлиб, ЯИМда туризмнинг улуши 0,4 % ни, туризм тармоқларида бандликнинг улуши эса 2,3 % ни ташкил этган.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилаётган туризм статистикаси кўрсаткичлари тизими Жаҳон туризм ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган услубиётга асосланган. Мазкур кўрсаткичлар тизими туризм статистикаси соҳасидаги халқаро тавсиялардан келиб чиқади ҳамда миллий статистиканинг халқаро услубиётга мувофиқлаштирилишига хизмат қилади.

Тўғридан-тўғри туризмда яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улуши ( $Sh_t$ ) куйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$Sh_t = \frac{\sum_{s=1}^n O_s}{GDP} \times 100, \quad (2)$$

$$O_s = \sum_{i,s=1}^{m,n} \frac{Tic_s}{Tof_s} \times G_{si} \quad (3)$$

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

бу ерда:

$O_{s-s}$  - тўғридан-тўғри туризм тармоқларида яратилган қўшилган қиймат ҳажми;

$GDP$  - ялпи ички маҳсулот ҳажми;

$Tic_{s-s}$  - фаолият тури бўйича мамлакат ичидаги туризм истеъмоли;

$Tof_{s-s}$  - фаолият тури бўйича умумий ички таклиф,

$G_{si-s}$  - фаолият ва  $i$  хизмат (товар) тури бўйича қўшилган қиймат ҳажми.

Мамлакат ичидаги туризм истеъмоли ( $Tic$ ) ва туризм тармоқлари бўйича умумий ички таклиф ( $Tof$ ) қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$Tic = \sum_{b=1}^n Edc_i + \sum_{b=1}^n Inc_i, \quad (4) \quad Tof = \sum_{s=1}^n Tdo_s, \quad (5)$$

бу ерда:

$Edc_{i-i}$  - хизмат (товар) тури бўйича киришга оид туризм истеъмоли;

$Inc_{i-i}$  - хизмат (товар) тури бўйича ички туризм истеъмоли;

$Tdo_{s-s}$  - фаолият тури бўйича ички таклиф.

Туризм тармоқларида бандларнинг иқтисодиётда жами бандлардаги улуши ( $Sh_b$ ) ва туризм тармоқларига киритилган инвестицияларнинг иқтисодиётга киритилган жами инвестициялардаги улуши ( $Sh_{In}$ ) қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$Sh_b = \frac{\sum_{s=1}^n b_s}{b} \times 100, \quad (6) \quad Sh_{In} = \frac{\sum_{s=1}^n In_s}{In} \times 100, \quad (7)$$

бу ерда:

$b_{s-s}$  - фаолият тури бўйича бандлар сони;

$b$  - иқтисодиётда жами бандлар сони;

$In_{s-s}$  - фаолият турига киритилган инвестициялар ҳажми;

$In$  - иқтисодиётга киритилган жами инвестициялар ҳажми.

Туризм ёрдамчи ҳисоби туризмнинг барча жиҳатлари, жумладан, туризм истеъмоли таркиби, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият турлари, туризм фаолиятининг бошқа фаолият турлари билан алоқадорлиги бўйича таҳлилий ахборотларни шакллантириш имконини беради. Туризм агрегат кўрсаткичларининг асосий вазифаси туризм соҳасидаги батафсил маълумотларни умумлаштирган ҳолда акс эттириш ҳисобланиб, улар мамлакатдаги якуний истеъмоли ёки ЯҚҚни тавсифловчи бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар билан қиёсий таққосланади.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда туризм статистикаси кўрсаткичлари тизимини тадқиқ қилиш” деб номланувчи иккинчи бобида миллий ҳисоблар тизими асосида туризм соҳасининг ёрдамчи ҳисобини ишлаб чиқиш тамойиллари, Ўзбекистонда туризм ёрдамчи



ҳисобининг ахборотлар базасини шакллантириш ва унинг халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолаш, миллий статистика амалиётида туризмни интеграл кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш каби масалалар ёритилган.

Замонавий туризм ёрдамчи ҳисоби концепцияси “Миллий ҳисоблар тизими -2008” халқаро стандартига асосланган бўлиб, туризм статистикаси ва иқтисодий статистиканинг бошқа тармоқлари (шу жумладан, моддий ва молиявий оқимларни статистик ҳисобга олиш усуллари) услубий бирлигини таъминлайди ҳамда туризмни иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан таққослашга имконият яратади. Миллий ҳисоблар тизими мувозанат назариясига таянади, бу эса, ўз навбатида, бир қатор қонуниятларни ўзида акс эттиради, миллий ҳисоблар тизимининг энг муҳим қонуниятларидан бири, яъни макроиқтисодий мувозанат товар ва хизматлар бозорида талаб ва тақлиф ўртасидаги мувозанат натижасида пайдо бўлишини, белгилайди.

Олиб борилган илмий таҳлиллар натижасида халқаро тажрибада туризм статистикасининг туристик оқимлар ҳажми ҳамда туризм харажатлари тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги усулларда йиғилиши ва шакллантирилиши асослаб берилди:

1) миграция хизматларининг чегарада рўйхатдан ўтказиш тизими орқали маълумотларни йиғиш усули;

2) турар-жой объектларининг статистик ҳисоботи тизими орқали маълумотларни йиғиш усули;

3) банк маълумотларидан фойдаланиш орқали маълумотларни йиғиш усули;

4) махсус ўтказиладиган сўровномалар орқали маълумотларни йиғиш усули.

Миграция хизматларининг чегарада рўйхатдан ўтказиш тизими орқали маълумотларни йиғиш усулида рўйхатдан ўтказиш мамлакатга кириш ва чиқиш вақтида миграция назорат пунктлари орқали аэропортлар, темир йўл станциялари, денгиз портлари, чегара постлари ва бошқа жойларда амалга оширилади. Туристлар тўғрисида маълумот йиғишнинг асосий манбаи бўлиб, махсус анкеталар, кириш (чиқиш) карталари, шунингдек, чет эл паспортлари ва визалар ҳисобланади.

Иккинчи усулда жамоат турар жой биноларига келганлар тўғрисидаги статистик маълумотлар ташриф буюрувчиларни қайд этиш орқали шакллантирилади. Мазкур усул бўйича ташриф буюрувчилар тўғрисидаги маълумотлар “2-turizm shakli” давлат статистика ҳисоботининг жамоат турар жой биноларига ташриф буюрган туристлар тўғрисидаги статистик маълумотлари асосида шакллантирилади ҳамда биринчи ёндашув асосида шакллантирилган маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилинади (1-жадвал).

Динамик маълумотларни кўрадиган бўлсак, 2010-2019 йиллар давомида мазкур икки усулда шакллантирилган маълумотлар ўртасидаги тафовут ортиб борган. 2019 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган туристларнинг 22,5 % гина жамоат турар жой биноларида рўйхатга олинган бўлса, 2020

йилда бу кўрсаткич 11,9 % ни ташкил этган. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон тажрибасида мамлакатга ташриф буюрувчилар сони тўғрисида маълумотларни биринчи усул ёрдамида шакллантириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

**1-жадвал.**

**Ўзбекистонга ташриф буюрувчилар сони динамикаси<sup>14</sup>**  
(*минг киши*)

	Йиллар										
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
<i>1-усул орқали шакллантирилган</i>	974,6	1394,8	1895,0	1968,7	1862,0	1917,7	2027,0	2690,1	5346,2	6748,5	1504,1
<i>2-усул орқали шакллантирилган</i>	577,6	690,5	704,7	700,7	701,0	556,5	661,5	806,3	1200,7	1520,8	178,5
Ўзаро нисбати, %	59,3	49,5	37,2	35,6	37,6	29,0	32,6	30,0	22,5	22,5	11,9

Шунингдек, тадқиқот давомида туризм истеъмоли кўрсаткичларини банк маълумотлари асосида кузатиш усули ҳам ўрганиб чиқилди. Маълумотларни ушбу учинчи усулда шакллантиришнинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Жумладан, мазкур усулда туристлардан қўшимча маълумотлар талаб қилинмайди, чегарадаги расмиятчилик ва статистика идораларининг харажатлари камаяди, маълумотлар мунтазам, тезкор ва тизимлаштирилган ҳолда шакллантирилади. Яхши ташкил этилган ҳисоб-китоблар ҳамда валюта ва молия бозори устидан кучли назорат мавжуд бўлган иқтисодийётларда банк маълумотлари асосида кузатиш усули туризм харажатлари ҳажмини ишончли баҳолаш имконини беради. Олиб борилган таҳлиллар натижасида тўртинчи усул туризм истеъмоли тўғрисидаги маълумотларни йиғишда энг афзал усул, деб топилди.

Тадқиқотда бир қатор муаллифлар<sup>15</sup> томонидан олиб борилган туризмни интеграл кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш бўйича изланишлар ўрганиб чиқилди ва миллий статистика амалиётида Ўзбекистон ҳудудларининг туризм салоҳиятини баҳолаш учун “Туризм салоҳияти интеграл кўрсаткичи” ишлаб чиқилди. Мазкур интеграл кўрсаткич туризм ресурсларини ифодаловчи бир нечта омилларни ўз ичига оладиган маълумотларни умумлаштирган ҳолда, ҳудуднинг туризм салоҳиятини ифодаловчи ягона

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

<sup>15</sup> Кулакова Л.И., Осипов В.А. Методические подходы к оценке туристско – рекреационного потенциала российских регионов // Russian Journal of Entrepreneurship #24'2017 (December). 4262-4272 стр.; Трифонова З.А., Трифонова М.М. Оценка туристского потенциала территории Чувашской Республики // Вестник ВГУ, серия: география. геоэкология, 2010, № 1. 38-40 стр.; Якименко М.В., Жертовская Е.В. Разработка интегрального показателя оценки туристского потенциала с позиции применения кластерного подхода к развитию туризма // Электронный научный журнал «Инженерный вестник Дона» №4 (2018).; Попова О.Б. Интегральный туристско-рекреационный потенциал Оренбургской области // Вестник Оренбургского государственного университета 2015 №10(185). 464-468 стр.

кўрсаткични аниқлаш имконини берди. Мазкур кўрсаткич қуйидаги 2-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни умумлаштириш орқали ҳисобланди.

2-жадвал.

**Туризм салоҳиятини ифодаловчи омиллар  
ва кўрсаткичлар тизими<sup>16</sup>**

Т/р	Омиллар	Кўрсаткичлар
1.	Туризм инфратузилмаси ( $F_{ij}$ )	- турар-жой воситалари; - санатория ва курортлар; - туризм ташкилотлари; - умумий овқатланиш ташкилотлари; - транспорт; - спорт; - маданият; - молиявий ташкилотлар; - интернет тизими.
2.	Туризм ресурслари ( $R_{ij}$ )	- табиий-иқлим ресурслари; - тарихий-маданий мерослар.
3.	Худуд туризмнинг бошқарув тизими ( $G_{ij}$ )	- туризм маркетинги; - худуднинг туризм сиёсати; - худуднинг туризм кооперацияси.

Юқоридаги 2-жадвалда келтирилган туризм салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни тизимлаштириш орқали қуйидаги туризм салоҳияти интеграл кўрсаткичи келтириб чиқарилди:

$$I = \sum_{i,j=1}^n F_{ij} * w_i + \sum_{i,j=1}^n R_{ij} * w_i + \sum_{i,j=1}^n G_{ij} * w_i, \quad (8)$$

Мазкур формуладаги  $W_i$  ҳар бир алоҳида кўрсаткичнинг вазнини ифодалайди. Вазнлар кўрсаткичнинг муҳимлигидан келиб чиқиб белгиланиши мумкин. Бу ерда туризм тармоқларидаги туризмнинг улуши кўрсаткичини қўллашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланди. Бу кўрсаткич туризм ёрдамчи ҳисоби жадвалларини шакллантириш орқали ҳисоблаб топилди.

Мавжуд кўрсаткичлар асосида юқоридаги формуладан фойдаланиб, Ўзбекистон худудларининг туризм салоҳиятини баҳолаш ҳамда уларни қиёсий таҳлил қилиш имконияти юзага келди. 2019 йил учун худудлар бўйича меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини нисбий ўлчовларга келтириш ва уларни умумлаштириш орқали мазкур йўналиш бўйича худудлар салоҳияти ( $F_{ij}$ ) баҳоланди. Бунда жойлаштириш воситалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари сифатида жойлаштириш воситалари сони ( $F_{1,1}$ ),

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

номерлар фонди ( $F_{1,2}$ ), жойлаштирилганлар сони ( $F_{1,3}$ ), тунаб қолишлар сони ( $F_{1,4}$ ), жойлаштириш воситаларида жойлар фондидан фойдаланиш коэффиценти ( $F_{1,5}$ ) ҳамда соҳада иш билан бандлар сони ( $F_{1,6}$ ) каби кўрсаткичлар ҳудудлар бўйича умумий нисбий ўлчовга келтирилди ва юқорида келтирилган формула орқали умумлаштирилди.

Ҳудудлардаги ҳар бир йўналиш бўйича нисбий кўрсаткичлар энг юқори (максимал) кўрсаткични 100 га тенглаштириш орқали қуйидаги формуладан фойдаланиб умумий ўлчовга келтирилди:

$$F_{ij} = \sum_{j=1}^n \frac{F_n}{F_{max}}, \quad (9)$$

бу ерда:

$F_n$  – ихтиёрий ҳудуд кўрсаткичи;

$F_{max}$  – ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткич.

Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари фаолияти бўйича олиб борилган ҳисоб-китоблар натижасида олинган маълумотлардан кўриш мумкинки, бу йўналиш бўйича энг юқори салоҳият Тошкент шаҳри (100), Самарқанд (39) ва Бухоро (35) вилоятларида, ўртача салоҳият Тошкент (23), Хоразм (22) ва Фарғона (19) вилоятларида кузатилган бўлса, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида бу йўналиш бўйича паст (10-16 оралиғида) салоҳият кузатилган.

Кейинги босқичда ҳудудларнинг туризм инфратузилмаси салоҳияти интеграл кўрсаткичини туризм соҳалари бўйича тўғрилаш коэффицентлари орқали қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$F_D = \sum_{i,j=n}^n F_{ij} * w_i, \quad (10)$$

бу ерда:

$F_D$  – туризм инфратузилмасининг салоҳияти;

$F_{ij}$  – туризм инфратузилмаси ташкилотлари;

$w_i$  – туризм тармоқларида туризмнинг улуши.

Мазкур ҳисоб-китобларда жойлаштириш воситалари, санаторий-курорт муассасалари, дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар учун тўғрилаш коэффиценти ( $w_i$ ) сифатида ташриф буюрувчиларни жойлаштириш бўйича хизматларда туризмнинг улуши кўрсаткичи (99,3 %), туристик фирма ва ташкилотлар учун туризм агентликлари хизматлари ва бронь қилиш бўйича бошқа хизматларда туризмнинг улуши кўрсаткичи (72,4 %), жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари учун спорт ва дам олиш бўйича хизматларда туризмнинг улуши кўрсаткичи (31,2 %), театрлар, музейлар, концерт ташкилотлари, маданият ва истироҳат боғлари учун маданият соҳасидаги хизматларда туризмнинг улуши кўрсаткичи (33,9 %) қўлланилди. Таҳлилларимизга кўра, туризм инфратузилмаси салоҳияти бўйича энг юқори интеграл кўрсаткич Тошкент шаҳри (47) ва Тошкент вилояти (25)да

кузатилган бўлса, кейинги ўринларни Фарғона (20), Самарқанд (18), Бухоро (14) ва Хоразм (13) вилоятлари эгаллаган. Мазкур кўрсаткич бўйича энг паст натижа Сирдарё (4), Жиззах (7) ва Навоий (8) вилоятларида қайд этилди (3-жадвал).

### 3-жадвал.

#### Ўзбекистонда ҳудудларнинг туризм инфратузилмаси салоҳиятини ифодаловчи умумлаштирилган кўрсаткичлар<sup>17</sup> (2021 йил 1 январь ҳолатига, балл)

	Жойлаш-тириш воситалари	Туристик фирма ва ташкилотлар	Санатория-курорт муассасалари	Жисмоний тарбия ва спорт	Театрлар	Музейлар	Концерт ташкилотлари	Маданият ва истироҳат боғлари	Жами
Қорақалпоғистон Республикаси	11	1	9	52	24	9	27	26	9
вилоятлар:									
Андижон	14	1	14	65	17	7	18	90	12
Бухоро	35	6	10	48	15	33	12	38	14
Жиззах	10	2	19	41	14	7	15	10	7
Қашқадарё	16	2	19	67	22	7	27	50	12
Навоий	13	2	13	31		7	9	39	8
Наманган	10	1	51	50	7	7	17	46	12
Самарқанд	39	19	28	75	28	50	13	49	18
Сурхондарё	10	1	14	52	15	7	1	38	9
Сирдарё	14	0	2	23	5	1	10	9	4
Тошкент	23	4	90	67	5	9	9	25	25
Фарғона	19	1	83	78	23	23	32	57	20
Хоразм	22	45	6	46	21	17	8	34	13
Тошкент ш.	100	90	41	59	100	79	100	92	47

Шунингдек, мавжуд маълумотлар асосида олиб борилган ҳисоб-китоблар натижасига кўра, туризм инфратузилмаси ва туризм ресурслари бўйича ҳудудларнинг салоҳият индексларини умумлаштириб ҳудудларнинг туризм салоҳияти натижавий индексини аниқланди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз ҳудудларида туризм салоҳияти бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри (55 балл) ҳамда Тошкент (50), Самарқанд (47), Бухоро (44) ва Хоразм (44) вилоятларига тўғри келмоқда. Мазкур кўрсаткич бўйича кейинги ўринларни Қашқадарё (37), Сурхондарё (36), Жиззах (29) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (36) эгаллаган бўлса, Сирдарё (2), Наманган (6), Андижон (6), Навоий (10) ва Фарғона (10) вилоятларида бу кўрсаткич юқоридаги ҳудудларга нисбатан анча кам бўлган. Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган ёндашувнинг бошқа муаллифлар томонидан тавсия этилган ёндашувлардан фарқли жиҳатлари танлаб олинган омилларнинг мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги, кўрсаткични ишлаб чиқишда туризм ёрдамчи ҳисоби кўрсаткичларидан фойдаланилганлиги, ҳудудлар бўйича алоҳида омилларни қиёслашдаги ўзига хослик ҳисобланади.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

Диссертациянинг “�збекистон миллий ҳисоблари тизимида туризм ёрдамчи ҳисобини тузиш методикасини такомиллаштириш” деб номланувчи учинчи бобида туризм ёрдамчи ҳисобини шакллантиришнинг халқаро тажрибаси, ташриф буюрувчиларнинг туристик харажатларини ҳисобга олиш механизмини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистонда туризм ёрдамчи ҳисоби жадвалларини ишлаб чиқиш тартибини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Тадқиқот ишида Канада<sup>18</sup> ва Австриянинг<sup>19</sup> туризм ёрдамчи ҳисобини шакллантириш бўйича илғор тажрибалари ўрганиб чиқилган ҳамда уларнинг устун томонларини миллий статистика амалиётига жорий этиш бўйича бир қатор қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди:

Канада ва Австрия тажрибаси асосида қўшимча кузатувлар ўтказмаган ҳолда, мавжуд маълумотлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, туризм ёрдамчи ҳисобининг етишмайдиган кўрсаткичларини миллий ҳисобларнинг асосий кўрсаткичлари орқали экстраполяция қилиш йўли билан шакллантириш;

Австриянинг йирик шаҳарлар ёки айрим ҳудудлар бўйича туризм ёрдамчи ҳисобини шакллантириш тажрибасини миллий статистика амалиётига жорий этиш;

туризм ёрдамчи ҳисоби жадвалларини шакллантиришда “Ресурслар ва ишлатилиш” ҳамда “Харажатлар ва ишлаб чиқариш” жадваллари маълумотларидан самарали фойдаланиш тажрибасини жорий этиш;

туризм ёрдамчи ҳисоби жадваллари маълумотларини шакллантиришда тўлов баланси маълумотларидан ҳамда ҳамкор мамлакатларнинг очиқ маълумотларидан самарали фойдаланиш тизимини жорий этиш;

Канада тажрибасидан келиб чиқиб, миллий туризм кўрсаткичларини доимий нархларда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш.

Шунингдек, тадқиқот давомида ҳудудий туризм ёрдамчи ҳисобини ишлаб чиқиш бўйича халқаро стандартлар ҳамда Австралия, Норвегия, Филиппин, Испания каби давлатларнинг тажрибалари ўрганиб чиқилди ва улар асосида Ўзбекистонда ҳудудий туризм ёрдамчи ҳисобини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Ҳудудий туризм ёрдамчи ҳисобини икки хил ёндашув асосида амалга ошириш мумкин:

1. Ҳудудлараро (юқоридан қуйига) ёндашув миллий туризм ёрдамчи ҳисобига асосланган бўлиб, миллий туризм ёрдамчи ҳисобининг ҳар бир жадвали маълумотларини мавжуд маълумотлар асосида ҳудудларга тақсимлаш орқали шакллантирилади.

2. Ҳудудлар бўйича (қуйидан юқорига) ёндашувда ҳар бир ҳудуд учун алоҳида туризм ёрдамчи ҳисоби шакллантирилади. Мазкур ёндашувда ҳудудий туризм ёрдамчи ҳисобини шакллантириш учун маълумотлар манбаи

---

<sup>18</sup> Canadian Tourism Satellite Account Handbook, Statistics Canada, 2007, <https://www150.statcan.gc.ca/>.

<sup>19</sup> Tourism Satellite Account for Austria, Statistics Austria, <http://www.statistik.at/>.

етарли бўлса, ҳудудий даражада туризмнинг ўзига хос жиҳатлари, фарқлари ва характерли хусусиятларини аниқлаш имкони юзага келади.

